



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА ИЛҒОР ХОРИЖ ИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Эргашева Маржона

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-курс 212-гурух

курсанти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси

майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15654267>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> June 2025

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2025

Published: 13<sup>th</sup> June 2025

### KEYWORDS

### ABSTRACT

*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда хуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.*

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва хуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг

<sup>1</sup> Ниматов Ш. Н. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони билан Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, қуйидаги ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар ички ишлар органларининг фаолиятини очиқ ва ошқора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш; кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш; ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; ички ишлар органларининг моддий-техника базаси, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш каби устувор йўналишлар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПФ-5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва мазкур қарори 6-бандига кўра 2021 йил

1 сентябрдан эътиборан ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига узлуксиз ўқув-карьера жараёни киритилди. Ушбу янги тизим асосида ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёнини тизимли ташкил этиш ва кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларни малакасини сифатли оширишни ташкил этиш тартиби белгиланган<sup>3</sup>. Шунингдек, мазкур узлуксиз ўқув-карьера билан Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи бўлинмаларининг энг муҳим вазифалари белгиланди.

Жумладан:- ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда рақбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш;

-барча тоифадаги ички ишлар органлари ходимларининг самарали хизмат ўташи ва уларнинг хизмат мартабаси ошиши учун хизматнинг бутун муддати давомида узлуксиз равишда тахсил олиш ва малака ошириб боришига эришиш;

-доимий равишда ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиль сайёр курсларини ўтказиб бориш;

-анъанавий малака ошириш билан бир каторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган шаклларини, шунингдек, кадрлар малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда таълим дастурларини, билим ва кўникмаларини доимий такомиллаштиришдан иборат кредит-модуль механизми жорий қилинди.

<sup>2</sup> Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПФ-5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор

Шунингдек, янги жамият таълим жараёни субъектларига аниқ талабларни қўйди, улардан бири “замон билан ҳамнафас бўлиш”, бу таълим жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ. Бир қатор илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, янги таълим тизимига мослашиш қийин, шунинг учун уларнинг фаолиятида муваффақиятга эришиш кўп меҳнат ва куч сабр ҳамда матонат талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир педагогдан психологик билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлиш талаб этилади.

Баъзи бир адабиётларда касбий ўзини ўзи англаш ички ишлар органлари ходимларининг умумий ўзини ўзи англашининг бир қисми сифатида қаралади, биз унга риоя қилишимиз зарур. Ушбу ёндашув доирасида касбий ўзини ўзи англаш шахс томонидан амалга ошириладиган касбнинг баъзи бир жиҳатларининг мазмуни билан тавсифланади, бу шахсий хусусиятлар билан бир қаторда индивидуал хусусиятларни (физиологик хусусиятлар, жисмоний хусусиятлар), шунингдек “динамик ўзлик”), хусусан, шахснинг ақлий ва жисмоний ривожланиш хусусиятларини инобатга олади. Ички ишлар органларида касбий онг ижтимоий хусусиятга эга. Шахс ўзининг ижтимоий мавқеини, шунингдек, ўзи яшаётган жамиятда ўрнатилган қоидалар ва меъёрларга риоя қилиш зарур, бу эса касбий ўзини ўзи англашнинг шаклланишига таъсир қилади.

Касбий маҳоратни такомиллаштиришнинг аҳамияти сифатида профилактика инспекторининг вазифалари ва масъулиятини чуқур тушуниш, янги қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан доимий танишиб бориш, самарали мулоқот ва психологик кўникмаларни ривожлантириш, хавф-хатарларни аниқлаш ва уларга қарши чора-тадбирларни амалга оширишда юқори касбий малакага эга бўлишни тушуниш мумкин.

Шунингдек илғор хорижий тажрибаларни ўрганишнинг имкониятлари сифатида европа ва АҚШ, шунингдек, Қорақалпоғистон, Япония каби ривожланган мамлакатларда профилактика соҳасида қўлланилаётган замонавий усуллар, ҳозирги кунда профилактика инспекторлари учун инновацион технологиялар, мобил дастурлар ва бошқа рақамли воситалардан фойдаланиш, хорижий ҳамкасблар билан онлайн ва офлайн семинарлар, конференциялар ўтказиш, тажриба алмашиш дастурлари, стажировкалар ва малака ошириш курсларида иштирок этиш ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Профилактика инспекторининг малакасини ошириш усуллари сифатида малака ошириш тренинглари ва курсларда қатнашиш, ҳуқуқий ва техник билимларни чуқурлаштириш учун махсус ўқув дастурлари, психология ва коммуникация бўйича курсларни, қатор халқаро ташкилотлар томонидан таклиф этиладиган таълим платформаларида курслар ўтишни тушуниш мумкин.

Профилактика инспекторлари — жамиятда хавфсизлик ва тартибни сақлашда муҳим рол ўйнаувчи мутахассислардир. Уларнинг касбий маҳорати ва билим даражаси жуда юқори бўлиши керак, чунки уларнинг вазифаси қонунчилик нормаларига риоя этилишини назорат қилиш ва жиноятларни олдини олишдан иборатдир. Шунингдек, профилактика инспекторлари доимий равишда ўз маҳоратларини такомиллаштириб бориши зарур. Бунда хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Профилактика инспекторининг асосий вазифаси — ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда профилактика чора-тадбирларини самарали ташкил этишдир. Бу эса юқори даражадаги билим ва малакани талаб қилади. Касбий маҳоратнинг асосий қисмлари — қонунчиликни аниқ тушуниш, психологик мулоқотни ташкил этиш, муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш кўникмаларини ривожлантиришдир. Касбий маҳоратни мунтазам такомиллаштириш инспекторнинг иш самарадорлигини оширади, жиноятларнинг олдини олишда самарали чоралар қўллаш имконини беради ва жамоат тартибининг барқарорлигини таъминлайди.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси профилактика соҳасида инновацион ёндашувларни жорий этишда катта манба ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида профилактика ишларини ташкил этишда замонавий рақамли технологиялар, хавф таҳлиллари асосида профиллик чоралари ва жамоат билан мулоқот тизимлари кенг қўлланилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Профилактика инспекторларининг касбий маҳоратини такомиллаштириш ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада инновацион технологиялар, халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим тизимини жорий этиш зарур. фақат шундай қилиб, профилактика инспекторлари ўз вазифаларини самарали бажаришлари ва жамият хавфсизлигини таъминлашлари мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПФ-5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги «IJRO.GOV.UZ» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори.
5. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
6. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.